

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019. К/В. 37.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ЭСАНОВ РАҲМАТ СУЛТОН ЎҒЛИ

**ТРИТЕРПЕН КИСЛОТАЛАРИНИНГ (ГЛИЦИРРИЗИН, ГЛИЦИРРЕТ)
ЯНГИ ҲОСИЛАЛАРИ СИНТЕЗИ ВА БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

02.00.10 - Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии по
химическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on chemical sciences**

Эсанов Раҳмат Султон ўғли

Тритерпен кислоталарининг (глицирризин, глициррет) янги ҳосилалари
синтези ва биологик фаоллиги.....3

Эсанов Раҳмат Султон угли

Синтез и биологическая активность новых производных тритерпеновых
(глицирризиновая, глицирретовая) кислот.....21

Esanov Rakhmat Sulton ugli

Synthesis and biological activity of new triterpene derivatives (glycyrrhizic,
glycyrrhetic) acids.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....44

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019. К/В. 37.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ЭСАНОВ РАҲМАТ СУЛТОН ЎҒЛИ

**ТРИТЕРПЕН КИСЛОТАЛАРИНИНГ (ГЛИЦИРРИЗИН, ГЛИЦИРРЕТ)
ЯНГИ ҲОСИЛАЛАРИ СИНТЕЗИ ВА БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

02.00.10 - Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/K213 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.biochem.uz) ҳамда «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Гафуров Махмуджон Бакиевич кимё фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оponentлар:	Абдулладжанова Нодира Гуломжоновна кимё фанлари доктори, профессор Халиков Турсунали Суёнович кимё фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/B 37/01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «16» 12 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: (99871) 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (232 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83.Тел.: (99871) 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)



Ш.Н.Салихов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, б.ф.д.,
академик

Ш.А.Шомуротов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
к.ф.д.

М.В.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳозирги кунда биологик фаол моддаларнинг синтези ва улар асосида тиббиётда вирусли касалликларини даволаш ҳамда профилактикаси, турли хил этиологияли иммунотанқисликлар учун янги дори воситаларини яратиш, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва янги самарали биостимуляторлар яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳозирда тиббиёт амалиётида ва қишлоқ хўжалик мақсадларида қўлланилувчи аксарият воситалар асосини биологик фаол моддаларнинг кимёвий модификация қилинган ҳосилалари ташкил қилмоқда. Замонавий органик, биоорганик кимё, фармакология, тиббиёт кимёси соҳаларининг ривожланиши турли касалликларга қарши қўлланилувчи, тирик организм генофондига зарари кам бўлган дори воситалари яратиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда жаҳонда биологик фаол бирикмаларга бой бўлган ўсимлик манбаларини излаб топиш ҳамда кимёвий таркибини аниқлашга, ундаги асосий биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ва уларни модификация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда ўсимликлар таркибидаги табиий биологик фаол тритерпен кислоталарни модификация қилиб олинган ҳосилалари синтетик моддаларга нисбатан организмга ножўя таъсирининг камлиги алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли бундай биологик фаол бирикмалар асосида препаратлар яратишда биологик фаол моддаларга бой табиий манбаларни топиш, улардан биологик фаол бирикмаларни ажратиб олиш, уларни модификация қилиш, структура ва биологик фаолликларини тадқиқ қилишнинг замонавий усуллари аниқлаш ҳамда улар асосида янги самарали дори воситаларини яратиш каби йўналишларда изланишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда маҳаллий хом-ашёлар асосида янги, самарали, импорт ўрнини босувчи доривор препаратлар ишлаб чиқишга ва аҳолини сифатли дори-дармонлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган¹. Бу борада, маҳаллий ўсимлик ва ҳайвон хом-ашёлари биологик фаол моддаларини тадқиқ қилиш, уларнинг тузилиши ва фаоллигини ўрганиш ҳамда улар асосида янги, самарали дори воситаларини яратиш муҳим аҳамиятга касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-2640-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Г.А.Толстикова, Л.А.Балтина ва бошқалар (Россия) томонидан ширинмия ўсимлигининг 10 дан ортиқ турлари устида тадқиқотлар олиб борилган ва уларнинг ичидан яланғоч ширинмия (*Glycyrrhiza glabra. L.*), Урал ширинмияси (*Glycyrrhiza uralensis Fish*) ва Коржинский ширинмияси (*Glycyrrhiza Korshinski G*) кўпроқ ўрганилган. Глицирризин кислотанинг (ГК) миқдори ширинмия илдизида ўсимликнинг ўсган жойига, ёшига ва бир қанча омилларга боғлиқлиги аниқланган. Э.С.Мирзаде, Н.С.Нагиевлар (Россия) томонидан ширинмия илдизи экстракти болаларда герпетик стоматитни даволаш учун тавсия этилган. Л.А.Балтина, Г.А.Толстикова ширинмия ўсимлиги экстракти тери рақини чақирувчи Эпштейн-Барр вирусини (*Epstein-Barr virus, EBV*) ингибирлашини аниқлашган. Н.И.Петренко, Г.А.Толстикова (Россия) томонидан ГКнинг агликони ҳисобланган глициррет кислотасининг (ГлК) турли хил аминокарбон кислоталар билан амидлари синтез қилинган ва уларнинг яллиғланишга, ошқозон ярасига қарши фаоллик намойиш этиши аниқланган. Mohamed O. Radwan, Mohamed A.H. Ismail ва бошқалар (БАА) томонидан ҳам ГлКнинг қатор аминлар билан амидлари синтез қилиниб, уларнинг дастлабки амин тузилишига боғлиқ бўлган ҳолда яллиғланишга қарши юқори фаолликка эгаллиги кўрсатилган. Жумладан, 2-аминобензой кислота, 3-амино-2-метилизоксазол, 4-(2-аминоэтил) бензосульфонамидлар билан олинган амидларнинг преднизалон ва индометацин препаратларига нисбатан яллиғланишга қарши юқори фаоллик намоеън этган. Л.А.Яковичин (Россия) томонидан қатор биологик фаол моддаларнинг ГлК, глицирризин кислотанинг моноаммонийли тузи (ГКМАТ) ҳамда баъзи гликозидлар билан молекуляр комплекслари олиниб, уларнинг барқарорлик константалари, Гиббс эркин энергиялари аниқланган.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, Биоорганик кимё институти олимлари профессор Д.Н.Далимов, профессор А.А.Ахунов, М.Б.Гафуров, А.Д.Матчанов, Ҳ.А.Юлдашев, Гулистон давлат университети профессори Ҳ.Ҳ.Қушиевлар томонидан ГлКнинг турли хил ҳосилалари ва комплекс бирикмалари олиниб, тиббиёт ҳамда қишлоқ хўжалиги амалиётига тадбиқ этилмоқда.

Дунёда олиб борилаётган тадқиқотларнинг аксарият қисми биологик фаол тритерпен кислоталарнинг кимёвий тузилиши, супрамолекуляр комплексларнинг ҳосил бўлиши ва биологик фаоллиги ўртасидаги боғлиқликни, антиоксидант ва яллиғланишга, шишларга, турли яра касалликларга, вирусларга қарши фаолликларини аниқлаш ҳамда уларнинг таъсир кўрсатиш механизмини очиб беришга қаратилган бўлиб, ҳозирги кунгача ушбу жараёнлар тўлиқ ёритилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФПФИ-Т.2-18 «2-алкил(арил)-5-амино 1,3,4-тиадиазол қолдигини тутган айрим табиий тритерпен кислоталари ҳосилаларининг биологик фаоллиги» (2018-2020 й.й.) ҳамда А-ФА-2019-35 «Маҳаллий ўсимлик хом ашёси асосида иммунотроп воситалар яратиш» (2019-2021 й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ширинмия (*Glycyrrhiza glabra. L*) ўсимлиги илдизининг тритерпеноидлари – ГлК ва ГКнинг янги ҳосилаларини синтез қилиш, ГК, ГКМАТ асосида молекуляр комплекслар олиш ҳамда олинган моддаларнинг биологик фаолликларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ширинмия (*Glycyrrhiza glabra. L*) ўсимлиги илдизидан ГКни ажратиб олиш, тозалаш; ГКМАТни гидролиз қилиш йўли билан ГлК олиш ва тозалаш;

3-О-ацетоксиглициррет кислота (3-О-АГлК) ва унинг қатор аминлар билан янги амидларини синтез қилиш; уларнинг кимёвий тузилишини тадқиқотнинг физик-кимёвий ва спектрал усуллари ёрдамида ўрганиш, 3-О-АГлК амидлари синтезини полифосфор кислота (ПФК) муҳитида амалга оширишни ўрганиш;

ГК, ГлКнинг айрим алкалоид ва гетероҳалқали аминлар билан тузларини олиш ҳамда уларнинг физик-кимёвий катталикларини аниқлаш, спектрал хусусиятларини ўрганиш;

ГК ва ГКМАТнинг ароматик, гетероҳалқали аминлар, долчин (ДК), ферул кислоталари (ФК) билан турли хил моляр нисбатлардаги супрамолекуляр комплексларини олиш; уларнинг физик-кимёвий катталикларини, сувли эритмаларининг гидродинамик хоссаларини, барқарорлик константаси, Гиббс эркин энергияси аниқлаш;

олинган бирикмаларнинг биологик фаолликларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ширинмия (*Glycyrrhiza glabra. L*) ўсимлиги илдизидан олинган тритерпен ГК ва унинг агликони - ГлК, турли ароматик ва гетероҳалқали аминлар, айрим алкалоидлар, ДК, ФКлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети ГК, ГКМАТ супрамолекуляр комплексларини, ГК, ГлК турли аминлар билан тузларини олиш, 3-О-АГлК янги амидларини синтез қилиш, уларнинг тузилишини ва биологик фаоллигини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида органик ва биоорганик кимё (филтрлаш, хайдаш, экстракция, лиофил қуритиш), физик-кимёвий (қовушқоқлик) ва физикавий (УБ-, ИҚ-спектроскопия, ^1H , ^{13}C ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия), хроматографик (юпқа қатламли, колонкали, юқори самарали суюқлик хроматография) ҳамда *in vitro* ва *in vivo* шароитдаги фармако-токсикологик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ГК ва ГКМАТнинг ароматик, гетероҳалқали аминлар, ДК ҳамда ФК билан супрамолекуляр комплекслари (38 та) олинган, уларнинг тузилиши оптик спектроскопия усуллари ёрдамида исботланган, комплекс бирикмаларнинг барқарорлик константалари ва Гиббс эркин энергиялари қийматлари аниқланган;

илк бор 3-О-АГЛК билан қатор гетероҳалқали аминларнинг янги амидлари (14 та) синтез қилинган, уларнинг тузилиши ИҚ-, УБ-, ^1H , ^{13}C ЯМР-спектроскопия усуллари ёрдамида аниқланган;

тритерпен кислоталарнинг амидлари синтезини амалга оширишда ПФКдан конденсирловчи агент сифатида қўллаш имконияти топилган ва реакциянинг тахминий механизми аниқланган;

ГК, ГЛКнинг айрим ароматик ва гетероҳалқали аминлар, алкалоидлар билан 20 та тузлари олинб, уларнинг физик-кимёвий катталиклари ҳамда кимёвий тузилиши ИҚ-спектроскопия ва масс-спектрометрия усуллари ёрдамида аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинган комплексларнинг барқарорлик константалари ва Гиббс эркин энергия қийматлари фосфатли, PBS- ҳамда PBS+ буфер муҳитларида солиштирилиб ўрганилганда, мазкур комплексларнинг физиологик муҳитга яқин шароитда ҳам барқарор эканлиги аниқланган;

3-О-АГЛК амидларининг иммуотроп фаоллигини ўрганиш 3-О-А-ГЛКнинг 2-амино-5-метил(этил)-1,3,4-тиадиазоллар, 3-амино-1.2.4-триазол билан синтез қилинган амидлари носпецифик иммунитетга дозага боғлиқ равишда, гуморал иммунитетга (талоқ ва лимфотугунларнинг ядросақловчи хужайралари сони ва вазни) эса яққол таъсир этиши аниқланган;

гипоосмотик стресс шароитида ГЛКнинг 2-аминобензотиазол, лупинин ва 8-оксихинолин билан тузлари ҳажм бошқарилишини кучли ингибирлаб, уларнинг тимоцитлар ҳажм бошқарилишида иштирок этувчи Ca^{2+} , K^{+} ва Cl^{-} каналларига самарали таъсир этиши мумкинлиги исботланган;

ГК ва ГКМАТнинг ароматик, гетероҳалқали аминлар билан олинган комплекслари эритмалари дон бўртиши жараёнида сарфланган сув миқдори назоратдагидан кам бўлиб, унувчанлиги назоратга нисбатан 5-12% юқори бўлиши аниқланган;

ГКМАТнинг 5-фторурацил (5-ФУ) билан комплекслари Саркома 45 шишига қарши юқори фаоллик намоён этган. Ҳар икки препарат ҳайвонлар вазнини сезиларсиз камайишига ва талоқнинг катталашишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ажратиб олинган моддаларни тадқиқ қилишда замонавий физик-кимёвий ва биологик тадқиқот усулларида фойдаланилганлиги; тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилганлиги, тажрибалар натижаларини ЎзР ВМ хузуридаги ОАК томонидан тан олинган маҳаллий ва халқаро илмий журналларида чоп этилганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ГК ва ГлКнинг янги ҳосилалари олинганлиги, амидлар синтезида янги конденсирловчи агентнинг таклиф этилганлиги ва уларни идентификация қилишнинг физик-кимёвий усуллари ушбу соҳадаги янги илмий изланишлар учун услубий қўлланма вазифасини бажариши ҳамда тритерпен кислоталар кимёсини янги маълумотлар билан бойитиши орқали изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, синтез қилинган янги амидлар носпецифик иммунитетга дозага боғлиқ равишда, гуморал иммунитетга (талоқ ва лимфотугунларнинг ядросакловчи хужайралари сони ва вазни) эса яққол таъсир этган. ГлКнинг айрим алкалоидлар, гетероҳалқали аминлар билан олинган тузлари 30 мкМ концентрацияда гипоосмотик стресс шароитида хужайралар ҳажм бошқарилишини кучли ингибирлаган. ГКМАТнинг 5-ФУ билан олинган комплекслари Саркома 45 шишига қарши юқори фаоллик намоён этган. Унинг шишга қарши самарадорлиги 98-99%, шиш регресси 40 дан 80%гача бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тритерпен кислоталарининг (ГК, ГлК) янги ҳосилалари синтези ва биологик фаоллиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ГлК ва унинг янги синтез қилинган ҳосилаларидан ФА-А11-Т060 рақамли «Перспектив иммуно-модулятор ва саратонга қарши препаратлар сифатида хужайра ҳажм бошқа-рилиши ва ҳажмга боғлиқ анион каналларининг янги модуляторларини излаш» лойиҳасида гипоосмотик стресс шароитида тимоцит хужайралари ҳажм бошқарилишига таъсири ўрганишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 23 сентябрдаги 4/1255-1966-сон маълумотномаси). Натижада ГлКнинг айрим алкалоидлар, гетероҳалқали аминлар билан олинган тузлари хужайралар ҳажм бошқарилиш тизимини кучли ингибирлаш имконини берган;

ГК, ГКМАТ билан гетероҳалқали аминлардан олинган комплекслар С-А-2018-004 рақамли «Анор (*Punica granatum L.*)нинг биотехнологик коллекциясини яратиш ва патогенсиз кўчатларини олиш технологиясини йўлга қўйиш» лойиҳасида анорнинг *in vitro* шароитда патогенсиз кўчатларини олишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 сентябрдаги 89-03-3437-сон маълумотномаси). Натижада *in vitro* шароитда супрамолекуляр комплексларни озуқа муҳитига қўшилганда, анорнинг каллус тўқималаридан вегетатив органлар ҳосил бўлишини тезлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та ҳалқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан ЎзР ОАКнинг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 3 таси республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзуси долзарблиги ва муҳимлиги, мақсад ҳамда вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, Ўзбекистон Республикасида фан ҳамда технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тритерпен кислоталар ҳосилаларининг олиниши, биологик фаолликлари”** деб номланган биринчи боби адабиётлар таҳлилига бағишланган бўлиб, унда ширинмия ўсимлиги ҳақида, унга дориворлик хусусиятларни берадиган ГК, унинг тузлари ҳамда ГлК, унинг ҳосилаларини олиш усуллари, тузилишларини ўрганиш ва биологик фаолликлари бўйича адабиётлардаги манбааларнинг таҳлиллари келтирилган.

Диссертациянинг **“ГК, ГлК янги ҳосилалари синтези, супрамолекуляр комплексларни олиш ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш”** деб номланган иккинчи боби барча олинган янги ҳосилаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари, спектрал маълумотларини таҳлил этишга бағишланган. Маълум усуллар ёрдамида ширинмия илдизидан ГК, ГКМАТ ҳамда ГлК олиниб, ГК, ГКМАТ нинг ароматик, гетероҳалқали аминлар, ДК ва ФКлари билан турли моляр нисбатдаги супрамолекуляр комплекслари олинди ҳамда уларнинг физик-кимёвий катталиклари (1-жадвал), барқарорлик константалари, Гиббс эркин энергия қийматлари аниқланди. Бундан ташқари ГК, ГлКнинг айрим гетероҳалқали аминлар билан тузлари олинди, айрим физик-кимёвий катталиклари аниқланиб, тузилиши УБ-, ИҚ-спектроскопия, масс-спектрометрия усуллари ёрдамида тадқиқ этилди. 3-О-АГлКнинг айрим гетероҳалқали аминлар билан амидлари синтез қилинди. Олинган амидларнинг тузилишлари УБ-, ИҚ- ^1H , ^{13}C ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия усуллари асосида ўрганилди.

ГК ва ГКМАТнинг 2-аминобензотиазол (2-АБТ), 6-аминопенициллин, 6-амино-3-пиколин, 2-аминотиазол, 5-амино-2-метилфенол, 3-амино-1,2,4-триазол, 2-аминопиримидин, 4-амино-2-хлор-6,7-диметоксихинозолин, 5-ФУ, ДК ва ФК билан комплеклари олинди:



1-схема. ГК, ГКМАТнинг ароматик, гетероҳалқали аминлар, ДК, ФК билан комплекларини олиш

1-жадвал

ГК, ГКМАТнинг ароматик, гетероҳалқали аминлар, ДК, ФК билан комплекларининг айрим физик-кимёвий катталарлари

	R	R ₁	n	Т.с., °С (парч)	[α] _D , (с 0.5; 50% этанол)		R	R ₁	n	Т.с., °С (парч)	[α] _D , (с 0.5; 50% этанол)
1	I	NH ₄	2	200±2	+33	20	IV	H	2	206±2	+31
2	II	NH ₄	2	205±2	+32	21	V	H	2	199±2	+39
3	III	NH ₄	2	207±2	+36	22	VI	H	2	201±2	+35
4	IV	NH ₄	2	203±2	+33	23	VII	H	2	205±2	+30
5	V	NH ₄	2	195±2	+34	24	VIII	H	2	210±2	+33
6	VI	NH ₄	2	198±2	+36	25	I	H	4	171±2	+36
7	VII	NH ₄	2	201±2	+31	26	II	H	4	177±2	+38
8	VIII	NH ₄	2	213±2	+36	27	III	H	4	180±2	+33
9	I	NH ₄	4	184±2	+38	28	IV	H	4	176±2	+31
10	II	NH ₄	4	174±2	+32	29	V	H	4	170±2	+39
11	III	NH ₄	4	179±2	+34	30	VI	H	4	171±2	+35
12	IV	NH ₄	4	170±2	+35	31	VII	H	4	175±2	+30
13	V	NH ₄	4	165±2	+32	32	VIII	H	4	179±2	+33
14	VI	NH ₄	4	160±2	+33	33	IX	NH ₄	2	195±2	+37
15	VII	NH ₄	4	156±2	+39	34	IX	NH ₄	4	201±2	+31
16	VIII	NH ₄	4	172±2	+31	35	X	NH ₄	2	187±1	+40
17	I	H	2	200±2	+36	36	X	NH ₄	4	192±1	+38
18	II	H	2	208±2	+38	37	XI	NH ₄	2	187±1	+36
19	III	H	2	211±2	+33	38	XI	NH ₄	4	178±1	+37

Комплекс бирикмаларнинг ИҚ-спектрларида (2-жадвал) ОН, NH гуруҳларининг валент тўлқин сонлари 3184 см⁻¹ соҳада намоён бўлган. Ушбу тўлқин сонларини дастлабки моддалардагига нисбатан 20 см⁻¹ га фарқ қилиши комплексда водород боғлари ҳосил бўлганлигидан далолат беради.

NH₂ гуруҳига тегишли тўлқин сонлари (3395-3055 см⁻¹) интенсивлигининг кескин камайиши, карбоксил гуруҳига тегишли (1589 см⁻¹) тўлқин сонлари интенсивлиги эса ортганлиги комплекс ҳосил бўлишида водород боғлардан ташқари ион-диполь (–NH₃⁺...O–H, N⁺... OH), электростатик (COO⁻...⁺NH₃-) таъсирлашувлар ҳам мавжудлигини билдиради. ИҚ-спектрлар таҳлили асосида молекуляр комплекслар асосан водород боғлар, ион-диполь ҳамда электростатик таъсирлашувлар натижасида ҳосил бўлади, деб хулоса қилиш мумкин.

2-жадвал


ГК ва ГКМАТнинг ароматик, гетероҳалқали аминлар, ДК ҳамда ФК билан комплексларининг УБ- ва ИҚ-спектр маълумотлари

№	R	R ₁	n	УБ λ _{max} , нм (lgε)	ИҚ спектрадаги тўлқин сонлари, см ⁻¹
1	I	NH ₄	2	258(3.92) 220(3.90)	ν(OH, NH ₂)=3100-3500, ν(C=O)=1699, ν(C=O)=1649(¹¹ C=O), ν(O-H)=1042, ν(C=C, C=N)=1602, 1508, 1542
2	II	NH ₄	2	257(3.97)	ν(OH, NH ₂)=3400-3470, ν(C=O)=1717, ν(C=O)=1700 ν(C=O)=1654(кўш боғ) ν(C=C)=1542, 1523
3	III	NH ₄	2	258(3.84) 237(3.79)	ν(OH, NH ₂)=3200-3450, ν(C=O)=1699, ν(C=C)=1648(кўш боғ), ν(C=C, C=N)=1603, 1542, 1523
4	IV	NH ₄	2	256(4.08)	ν(OH, NH ₂)=3100-3500, ν(C=O)=1701, ν(C=O)=1660(кўш боғ)
5	V	NH ₄	2	257(3.55)	ν(OH, NH ₂)=3100-3500, ν(C=O)=1701, ν(C=O)=1660(кўш боғ)
6	VI	NH ₄	2	257(3.92)	ν(OH, NH ₂)=3150-3550, ν(C=O)=1698(ГКМАТ), ν(C=O)=1653(кўш боғ), ν(C=C, C=N)=1600
7	VII	NH ₄	2	258(3.91)	ν(OH, NH ₂)=3150-3550, ν(C=O)=1698(ГКМАТ), ν(C=O)=1660(кўш боғ), ν(C=C, C=N)=1596
8	VIII	NH ₄	2	247(3.97)	ν(OH, NH ₂)=3100-3500, ν(C=O)=1716(ГКМАТ), ν(C=O)=1645(кўш боғ), ν(C=C, C=N)=1621, 1582, 1503
9	I	H	2	258(4.00) 220(3.67)	ν(OH, NH ₂)=3100-3500, ν(C=O)=1700, ν(C=O)=1670(¹¹ C=O), ν(CH)=3056, ν(C=C, C=N)=1640
10	II	H	2	257(3.69)	ν(OH, NH ₂)=3100-3550, ν(C=O)=1730, ν(N-C=O)=1652
11	III	H	2	257(3.80) 236(3.82)	ν(OH, NH ₂)=3100-3550, ν(C=O)=1730, ν(C=O)=1679(кўш боғ), ν(C=C, C=N)=1660,
12	IV	H	2	256(3.76)	ν(OH, NH ₂)=3100-3550, ν(C=O)=1730, ν(C=O)=1679(кўш боғ), ν(C=C)=1645(ГК ва тиозол)
13	V	H	2	257(3.89)	ν(OH, NH ₂)=3100-3550, ν(C=O)=1729(ГК), ν(C=O)=1659(кўш боғ), ν(C=C)=1645(ГК ва фенол)
14	VI	H	2	257(3.68)	ν(OH, NH ₂)=3150-3550, ν(C=O)=1720(ГК), ν(C=O)=1690(кўш боғ), ν(C=C, C=N)=1650
15	VII	H	2	257(3.86) 225(3.81)	ν(OH, NH ₂)=3100-3550, ν(C=O)=1732(ГК), ν(C=O)=1651, 1661, ν(C=C, C=N)=1646, 1541
16	VIII	H	2	247(3.97) 225(3.66)	ν(OH, NH ₂)=3100-3550, ν(C=O)=1732(ГК), ν(C=C, C=N)=1582, 1558, 1558
17	IX	NH ₄	2	262(3.71)	ν(OH, NH) =3207, ν(CH ₃ , CH ₂ , CH) =2928, ν(C=O) =1720, ν(C=O) =1659 (¹¹ C=O), ν(C=C, C=N) =1593, δ(CH ₃ , CH ₂ , CH) =1429, 1350, 1246, 1213, 1172, δ(O-H)=1031
18	X	NH ₄	2	262(4.17) 215(3.84)	ν(OH, NH ₄ ⁺)=3221, ν(CH, CH ₂ , CH ₃)=2926, 2872, ν(C=O)=1703, ν(¹¹ C=O, C=C)=1659, 1634, ν(COO ⁻)=1595, δ(CH ₂ , CH ₃)=1450, 1417, δ(NH ₄ ⁺)=1387, δ(CH)=1348, 1310, 1261, 1213, 1171, δ(C-O-C, C-OH)=1034, δ(=CH)=980
19	XI	NH ₄	2	318(3.75) 257(4.19)	ν(OH, NH ₄ ⁺)=3211, ν(CH, CH ₂ , CH ₃)=2933, 2858 ν(C=O)=1699, ν(¹¹ C=O, C=C)=1660, ν(COO ⁻)=1593, ν(CH ₃ OC)=1516(метокси гуруҳ), δ(CH ₂ , CH ₃)=1456, 1429, δ(NH ₄ ⁺)=1387, δ(CH)=1265, 1211, 1165, δ(C-O-C, C-OH)=1034, δ(=CH)=980


Супрамолекуляр комплексларнинг гидродинамик хусусиятлари

Супрамолекуляр комплекслар ҳосил бўлишида қандай турдаги таъсирлашувларнинг ҳиссаси юқорилигини аниқлаш мақсадида ГКМАТ ва 2-

АБТ комплексининг (2:1) турли муҳитдаги: мочевино (молекулалараро водород боғларини парчаловчи), ксилоза (системадаги гидрофоб таъсирлашувга мойил агент) ва КСl (электролит) эритмаларидаги қовушқоқликлари ўрганилди. Бундан ташқари эритма қовушқоқлигига муҳитининг таъсири ҳам ўрганилди. 0.01 М мочевино эритмасида комплекснинг концентрацияси ортиши билан келтирилган қовушқоқлик ортиб, оқувчанлик камайиб бориши кузатилди (1-расм, а). Бу комплекс эритмаларидаги тизимланишнинг барқарорланиши фақат водород боғлар ҳисобига эмас, балки бошқа ўзаро гидрофоб ва гидрофил таъсирлашувлар ҳисобига ҳам бўлиши мумкинлигини билдиради.



1-расм, а). Сувли эритмада (1), 0.01 М мочевино (2), 0.1Н КСl эритмаси (3), 0.1Н НСl эритмаси муҳитида (4) келтирилган қовушқоқликлар (25°C)




1-расм, б) 0.1Н NaOH (5), 0.01 М ксилоза муҳитида (6) келтирилган қовушқоқликлар (25°C)

0.1Н КСl эритмаси муҳитидаги қовушқоқ ўрганилганда, концентрация ортиши билан келтирилган қовушқоқликнинг камайиши кузатилди (). Бундан K^+ ионлари ГКМАТнинг структураланишига таъсир қилмасдан, аксинча мицеллаларнинг бузилишига таъсир этган, деб хулоса қилиш мумкин. 0.01 М ксилоза муҳитидаги эритмаларнинг келтирилган қовушқоқлиги концентрация ортиши билан қисман, аммо чизикли равишда ўзгарди, буни тизимланиш жараёнига гидрофоб таъсирлашувларни ксилоза экранлашиши билан изоҳлаш мумкин.


0.1Н NaOH муҳитида келтирилган қовушқоқлик концентрация камайиши билан кескин камайиш кузатилди (1-расм, б). Бу ишқорий муҳитда карбоксилат анионларнинг ионизацияси сабабли, ГКМАТ молекуласи водород боғларни ҳосил қилишда қатнаша олмаслигини билдиради. Демак, молекуланинг структураланиши барқарорлигини таъминланиши водород боғлар билан бирга, кучли гидрофоб таъсирлашув оқибатида ҳам вужудга келади. Кислотали муҳитда комплекслар эритмалари қовушқоқлиги концентрация ортиши билан пасаяди. Концентрациянинг ортиши ГКМАТ молекуласи диссоциацияси камайишига олиб келади, бу полиэлектролитлардаги сингари қовушқоқликнинг камайиб кетишига олиб келиши мумкин.

Комплекслар компонентларининг стехиометрик нисбатларини аниқлашда турли хил буфер муҳитларда (фосфатли, PBS-, PBS+) изомоляр сериялар усулидан фойдаланилди ҳамда комплексларнинг барқарорлик константаси ва Гиббс эркин энергия қийматлари аниқланди. Изомоляр

серияларнинг графигида (2-расм, а) 240 нм ҳамда 264 нм ларда изобестик нукталар мавжудлиги эритмада бир хил типдаги комплекслар ҳосил бўлаётганлигидан далолат беради.



2-расм, а) ГКМАТ:2-АБТ комплексининг изомоляр сериялар усулида антибат нисбатларда (1:9 дан 9:1 гача) олинган УБ-спектрлари



2-расм, б) ГКМАТ:2-АБТ комплекси изомоляр сериялари оптик зичлиги билан реагентлар концентрациялари нисбати боғлиқлик графиги

Изомоляр серияларнинг оптик зичлиги билан дастлабки реагентларнинг концентрациялар нисбати орасидаги боғлиқлик графиги (2-расм, б) ГКМАТ ва 2-АБТ~2:1 моль нисбатда комплекс ҳосил бўлишининг максимал унумига эришганлигини билдиради. 2:1 нисбатдаги комплекслар учун барқарорлик константаси (1) ва Гиббс эркин энергиясини формулага (2) мувофиқ ҳисобланди.

$$K = \frac{(c_1 \sqrt[3]{\Delta A_2} - c_2 \sqrt[3]{\Delta A_1})(\Delta A_1 \sqrt[3]{\Delta A_2} - \Delta A_2 \sqrt[3]{\Delta A_1})^2}{4(\Delta A_1 c_1 - \Delta A_2 c_2)^3}, \quad (1)$$

$$\Delta G = -2,3RT \lg K \quad (2).$$

Бу ерда c_1 -модданинг умумий концентрацияси, М; c_2 -суюлтирилгандан кейинги умумий концентрацияси, М; ΔA_1 ва ΔA_2 -суюлтиришдан олдин ва кейинги оптик зичликларнинг ўзгариши.

3-жадвал

ГКМАТ комплексларининг (ГКМАТ:R) барқарорлик константаси (K) ва Гиббс эркин энергиялари(ΔG) қийматлари


№	R	Фосфатли буфер		PBS-		PBS+	
		K, M ⁻¹ . ×10 ⁶	ΔG , Дж/моль. ×10 ⁴	K, M ⁻¹ . ×10 ⁶	ΔG , Дж/моль. ×10 ⁴	K, M ⁻¹ . ×10 ⁶	ΔG , Дж/моль. ×10 ⁴
1	I	(5.01±0.1)	(-3.84±0.1)	(4.97±0.1)	(-3.84±0.1)	(5.09±0.1)	(-3.85±0.1)
2	II	(0.0062±0.1)	(-2.17±0.1)	(0.51±0.1)	(-3.27±0.1)	(5.06±0.1)	(-3.84±0.1)
3	III	(0.009±0.1)	(-2.84±0.1)	(5.16±0.1)	(-3.85±0.1)	(5.07±0.1)	(-3.84±0.1)
4	IV	(7.13±0.1)	(-3.93±0.1)	(5.06±0.1)	(-3.84±0.1)	(4.80±0.1)	(-3.83±0.1)
5	V	(4.02±0.1)	(-2.64±0.1)	(3.15±0.1)	(-3.73±0.1)	(4.14±0.1)	(-3.80±0.1)
6	VI	(65.4±0.1)	(-4.48±0.1)	(5.23±0.1)	(-3.85±0.1)	(4.79±0.1)	(-3.83±0.1)
7	VII	(3.80±0.1)	(-3.77±0.1)	(4.20±0.1)	(-3.80±0.1)	(5.06±0.1)	(-3.84±0.1)
8	VIII	(5.34±0.1)	(-3.86±0.1)	(5.07±0.1)	(-3.84±0.1)	(5.07±0.1)	(-3.84±0.1)
9	IX	(5.05±0.1)	(-3.84±0.1)	(5.09±0.1)	(-3.85±0.1)	(4.63±0.1)	(-3.82±0.1)
10	X	(0.044±0.1)	(-2.66±0.1)	(0.9±0.1)	(-3.42±0.1)	(4.93±0.1)	(-3.84±0.1)
11	XI	(4.94±0.1)	(-3.82±0.1)	(4.39±0.1)	(-3.81±0.1)	(5.26±0.1)	(-3.85±0.1)

3-жадвалдан кўришиб турибдики, олинган комплексларнинг барқарорлик константалари ва Гиббс эркин энергия қийматлари турли буфер муҳитларида (фосфатли, PBS-, PBS+) аниқланди. Бунда ГКМАТ:R комплексларда R=II, III, X бўлганда оддий фосфатли буфер муҳитидаги барқарорлик константаси

PBS- ва PBS+ буферлардагидан 2 ҳамда 3 даража паст бўлди. Бирок ГКМАТ:R комплексларда R= I, IV, V, VII, VIII, IX, XI бўлганда уч хил буфер муҳитларида ҳам комплексларнинг барқарорлиги деярли бир хиллиги кузатилди. Фақат R= VI бўлганда комплексининг оддий фосфатли буфердаги барқарорлиги PBS-, PBS+ буферлар муҳитидагига нисбатан бир даража юқорилиги эканлиги аксарият комплекслар физиологик муҳитга яқин шароитда ҳам барқарор эканлигини кўрсатди.

Глицирризин кислотанинг айрим ароматик, гетероҳалқали аминлар билан тузларини олиш

ГКнинг айрим ароматик ва гетероҳалқали аминлар билан тузлари абсолют этанол муҳитида қуйидаги схема бўйича олинди.



2-схема. ГКнинг айрим ароматик, гетероҳалқали аминлар билан тузларини олиш

Олинган ГК тузларининг айрим физик-кимёвий катталиклари ва УБ-, ИҚ- спектри маълумотлари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

ГКни айрим ароматик, гетероҳалқали аминлар билан олинган тузларининг айрим физик-кимёвий катталиклари ҳамда УБ- ва ИҚ-спектр маълумотлари


R ⁺	Т.с., °С (парч)	Унум, %	УБ λ _{max} , нм (lgε)	ИҚ-спектридаги тўлқин сонлари, см ⁻¹
I	180±1	97	258(2.44)	ν(OH, NH)=3100-3500, ν(CH ₃ , CH ₂)=2930, 2890, ν(C=O)=1688, ν(C=O)=1660 (¹¹ C=O), δ(NH ₃ ⁺)=1420, ν(O-H)=1041, ν(C=C, C=N)=1602, 1508, 1542
II	190±1	94	225(3.36), 258(2.47)	ν(OH, NH)=3400-3470, ν(CH ₃ , CH ₂)=2927, 2885 ν(C=O)=1705, ν(C=O)=1680 ν(C=O)=1634 (кўш боғ), δ(NH ₃ ⁺)=1430, ν(O-H)=1041, ν(C=C)=1542, 1523
III	185±1	96	256(2.90)	ν(OH, NH)=3200-3450, ν(CH ₃ , CH ₂)=2924, 2900, ν(C=O)=1699, ν(C=O)=1638(кўш боғ), δ(NH ₃ ⁺)=1439, ν(O-H)=1040, ν(C=C, C=N)=1603, 1542, 1523
IV	195±1	95	220(2.60), 259(2.04)	ν(OH, NH)=3100-3500, ν(CH ₃ , CH ₂)=2925, 2895, ν(C=O)=1701, ν(C=O)=1645 (кўш боғ), δ(NH ₃ ⁺)=1440, ν(O-H)=1041, ν(C-H)=750(Ar)
V	170±1	94	256(2.68)	ν(OH, NH)=3100-3500, ν(CH ₃ , CH ₂)=2932, 2895; ν(C=O)=1701, ν(C=O)=1660(кўш боғ), δ(NH ₃ ⁺)=1450, ν(O-H)=1042
VI	160±1	96	259(2.42)	ν(OH, NH)=3150-3550, ν(CH ₃ , CH ₂)=2925, 2905, ν(C=O)=1698, ν(C=O)=1592(кўш боғ), δ(NH ₃ ⁺)=1425, ν(O-H)=1039, ν(C=C)=1600

4-жадвал давоми

VII	200±1	95	225(3.15), 258(2.21)	$\nu(\text{OH, NH})=3150-3550$, $\nu(\text{CH}_3, \text{CH}_2)=2900, 2864$, $\nu(\text{C=O})=1698$, $\nu(\text{C=O})=1643$ (қўш боғ), $\delta(\text{NH}_3^+)=1415$, $\nu(\text{O-H})=1041$, $\nu(\text{C=C, C=N})=1596$
VIII	210±1	96	237(2.91), 258(2.34), 310(1.45)	$\nu(\text{OH, NH})=3100-3500$, $\nu(\text{CH}_3, \text{CH}_2)=2924, 2850$, $\nu(\text{C=O})=1702$, $\nu(\text{C=O})=1631$ (қўш боғ), $\delta(\text{NH}_3^+)=1450$, $\nu(\text{O-H})=1041$, $\nu(\text{C=C, C=N})=1621, 1582, 1503$
IX	193±1	97	234(2.12), 260(2.20), 300(1.45)	$\nu(\text{OH, NH})=3100-3500$, $\nu(\text{CH}_3, \text{CH}_2)=2924, 2830$, $\nu(\text{C=O})=1685$, $\nu(^{11}\text{C=O})=1652$, $\delta(\text{NH}_3^+)=1430$, $\nu(\text{O-H})=1042$, $\nu(\text{C=C, C=N})=1640$
X	205±1	95	237(2.95), 260(3.03), 296(1.78)	$\nu(\text{OH, NH})=3100-3550$, $\nu(\text{CH}_3, \text{CH}_2)=2927, 2885$, $\nu(\text{C=O})=1700$, $\nu(^{11}\text{C=O})=1661$, $\delta(\text{NH}_3^+)=1425$, $\nu(\text{O-H})=1041$, $\nu(\text{N-C=O})=1652$

ГЛКнинг баъзи алкалоидлар ва гетероҳалқали аминлар билан тузларини олиш

ГЛК нинг айрим алкалоидлар ва гетероҳалқали аминлар билан абсолют этанол муҳитида тузлари қуйидаги схема бўйича олинди ва уларнинг баъзи физик кимёвий катталиклари аниқланди (5-жадвал):



3-схема. ГЛК нинг айрим алкалоидлар ва гетероҳалқали аминлар билан тузларини олиш

Олинган тузларнинг тузилиши ИҚ-спектрларини дастлабки моддалар спектрлари билан таққослаш орқали ўрганилди (5-жадвал). ГЛК:лупинин тузи ИҚ-спектрида 3431 см^{-1} дан 3136 см^{-1} гача бўлган соҳадаги тўлқин сонлари деярли ёпилган. Бундан лупинин билан ГЛК орасидаги таъсирлашув натижасида туз ҳосил қилган бўлиши мумкин.

5-жадвал

ГЛКнинг алкалоидлар ва гетероҳалқали аминлар билан ҳосил қилган тузларининг айрим физик-кимёвий катталиклари ва УБ-, ИҚ-спектр маълумотлари


№	R ⁺	T. c., °C (парч)	УБ λ_{max} , нм (lgε)	ИҚ-спектридаги тўлқин сонлари, см^{-1}
1	а	130±1	256(3.97)	$\nu(\text{OH, NH})=3100-3500$, $\nu(\text{CH}_3, \text{CH}_2)=2928, 2864$, $\nu(\text{C=O})=1716$, $\nu(\text{C=O})=1653$ ($^{11}\text{C=O}$), $\delta(\text{NR}_3^+)=1456$, $\delta(\text{CH})=1385, 1282, 1213$, $\delta(\text{O-H})=1041$, $\nu(\text{C=C})=1539$, $\delta(=\text{CH})=979$
2	б	241±1	250(3.78)	$\nu(\text{OH, NH})=3400, 3329$, $\nu(\text{CH}_3, \text{CH}_2)=2941, 2760, 2467$ $\nu(\text{C=O})=1703$, $\nu(\text{C=O})=1662$ (қўш боғ), $\nu(\text{C=C})=1544$, $\delta(\text{NR}_3^+)=1454$, $\delta(\text{CH})=1385, 1325, 1282, 1261, 1209, 1176$, $\delta(\text{O-H})=1047$, $\delta(=\text{CH})=991$, $\delta(\text{C-H})=752, 698(\text{Ar})$
3	в	120±1	251(3.75)	$\nu(\text{OH, NH})=3400, 3329$, $\nu(\text{CH}_3, \text{CH}_2)=2941, 2760, 2467$ $\nu(\text{C=O})=1703$, $\nu(\text{C=O})=1662$ (қўш боғ), $\nu(\text{C=C})=1544$, $\delta(\text{NR}_3^+)=1454$, $\delta(\text{CH})=1385, 1325, 1282, 1261, 1209, 1176$, $\delta(\text{O-H})=1047$, $\delta(=\text{CH})=991$, $\delta(\text{C-H})=751, 699(\text{Ar})$

5-жадвал давоми

4	г	145±1	312(3.54) 239(3.81)	$\nu(\text{OH, NH})=3385, \nu(\text{CH}_3, \text{CH}_2)=2926, 2864, \nu(\text{C=O})=1703, \nu(\text{C=O})=1651(\text{кўш боғ}), \nu(\text{C=C})=1544, \delta(\text{NR}_3^+)=1454, \delta(\text{CH})=1384, 1357, 1281, 1259, 1207, 1178 \delta(\text{O-H})=1085, \delta(=\text{CH})=980, \delta(\text{C-H})=797 (\text{Ar})$
5	д	220±1	242(4.52)	$\nu(\text{OH, NH})=3431, \nu(\text{CH}_3, \text{CH}_2)=2947, 2860, \nu(\text{C=O})=1703, \nu(\text{C=O})=1662(\text{кўш боғ}), \nu(\text{C=C})=1570, \delta(\text{NR}_3^+)=1456, \delta(\text{CH})=1384, 1325, 1209, \delta(\text{O-H})=1026, \delta(=\text{CH})=987$
6	е	200±1	251(4.15)	$\nu(\text{OH, NH})=3360, \nu(\text{CH}_3, \text{CH}_2)=2927, 2850, \nu(\text{C=O})=1703, \nu(\text{C=O})=1651(\text{кўш боғ}), \nu(\text{C=C})=1564, \delta(\text{NR}_3^+)=1446, \delta(\text{CH})=1385, 1357, 1284, 1205, \delta(\text{O-H})=1049, \delta(=\text{CH})=956$
7	ё	238±1	250(3.74)	$\nu(\text{OH, NH})=3400-3350, \nu(\text{CH}_3, \text{CH}_2)=2950, 2866, \nu(\text{C=O})=1693, \nu(\text{C=O})=1645(\text{кўш боғ}), \nu(\text{C=C})=1531, \delta(\text{NR}_3^+)=1454, \delta(\text{CH})=1386, 1360, 1327, 1259, 1207, \delta(\text{O-H})=1037, \delta(=\text{CH})=993$
8	ж	218±1	227(4.24) 257(3.89) 298(3.53)	$\nu(\text{OH, NH})=3327, 3200, \nu(\text{CH}_3, \text{CH}_2)=2926, 2866, \nu(\text{C=O})=1699, \nu(\text{C=O})=1653 (^{13}\text{C=O}), \nu(\text{C=C})=1539, \delta(\text{NR}_3^+)=1454, \delta(\text{CH})=1386, 1360, 1281, 1257, 1207, \delta(\text{O-H})=1038, \delta(=\text{CH})=993$
9	з	180±1	223(4.37) 261(4.11)	$\nu(\text{OH, NH})=3317, 3176, \nu(\text{CH}_3, \text{CH}_2)=2928, 2866, \nu(\text{C=O})=1699, \nu(\text{C=O})=1645 (^{13}\text{C=O}), \nu(\text{C=C})=1533, \delta(\text{NR}_3^+)=1450, \delta(\text{CH})=1386, 1286, 1255, 1207, \delta(\text{O-H})=1037, \delta(=\text{CH})=993$
10	и	140±1	252(4.13)	$\nu(\text{OH, NH})=3312, 3192, \nu(\text{CH}_3, \text{CH}_2)=2926, 2866, \nu(\text{C=O})=1703, \nu(\text{C=O})=1651 (^{13}\text{C=O}), \nu(\text{C=C})=1522, \delta(\text{NR}_3^+)=1454, \delta(\text{CH})=1385, 1327, 1279, 1257, 1207, 1178 \delta(\text{O-H})=1037, \delta(=\text{CH})=993, \nu(\text{C-H}) 648(\text{тиазол ҳалқа})$

3-О-АГЛК амидлари синтези

Маълум усул бўйича ГЛК дан 3-О-АГЛКнинг хлорангидриди (3-О-АГЛК ХА) олинди. 3-О-АГЛК ХАга бензол мухитида, триэтиламин (ТЭА) иштирокида турли гетероҳалқали аминлар таъсир эттириб, амидлари синтез қилинди (4-схема).



4-схема. 3-О-АГЛК ХАдан амидлар олинishi

3-О-АГЛК нинг 2-амино-5-пропил-1,3,4-тиадиазол билан амиди ИҚ-спектрида қуйидаги тўлқин сонлари кузатилди: 3350 cm^{-1} да амид боғига ($-\text{C}(\text{O})\text{NH}-$) тегишли тўлқин сони, 1730 cm^{-1} да мураккаб эфир боғидаги

карбонилга тегишли тўлқин сони ҳамда 1659 см^{-1} да «С» ҳалқадаги карбонил гуруҳи ҳосил қилган тўлқин сонлари мавжуд.

N-(2-амино-5-пропил-1,3,4-тиадиазол)-3-О-β-ацетил-11-оксо-олеан-12-ен-18β-Н-30-амид масс-спектрида молекуляр ион ($[M^+]$ 638.57 m/z.) мавжудлиги ва унинг назарий жихатдан ҳисобланган молекуляр ион билан мос келиши мазкур бирикманинг N-(2-амино-5-пропил-1,3,4-тиадиазол)-3-О-β-ацетил-11-оксо-олеан-12-ен-18β-Н-30-амидлигидан далолат беради.

Шу бирикманинг ^1H ЯМР-спектрида амид гуруҳининг водородига тегишли резонанс сигналлар δ_{H} 11.16-11.29 м.у да кенг шаклдаги синглет ҳолатда кузатилганлиги амид боғнинг ҳосил бўлганлигидан далолат беради.

Мазкур амиднинг ^{13}C ЯМР-спектрида молекуладаги С-1, С-2 углерод атомларига тегишли сигналлар кучли майдон соҳасида (37.04, 17.5 м.у.) кузатилган. С-11, С-12 углерод атомларига оид сигналлар 199.82, 128.82 м.у. ларда, молекуладаги С-30 атом сигнали 174.99 м.у. да, ацетат қолдиғидаги метил гуруҳи углерод атоми 21.43 м.у. да кучли майдон соҳада, карбонил углероди эса 171.13 м.у. да кучсиз майдон томонда намоён бўлган. Бундан ташқари тиадиазол ҳалқадаги углерод атомлари кучсиз майдон соҳада 164.95 (С-2'), 160.19 (С-5') м.у. ларда, алифатик занжирдаги углерод атомлари сигналлари кучли майдон томонда 32.02 (С-6'), 23.07 (С-7'), 13.75 (С-8') м.у. ларда кузатилган.

Диссертациянинг **“ТК ва унинг моноаммонийли тузининг супрамолекуляр комплекслари, глициррет кислота ҳосилалари биологик фаолликлари”** деб номланган учинчи бобида олинган барча моддаларни биологик фаолликларининг структурага боғлиқлиги таҳлил қилинган. 3-О-АГЛК амидларининг яллиғланишга қарши ва иммуотроп фаоллиги Биоорганик кимё институти фармакология лабораторияси кат.и.х., б.ф.н. Н.Л.Выпова билан ҳамкорликда бажарилди. 3-О-АГЛК нинг тиазол, тиадиазол ва бензотиазол қолдиғи тутган амидлари нисбатан зарарсиз бирикмаларнинг VI синфига мансуб бўлиб, 3-О-АГЛК нинг ҳалқада бир (XI) ёки икки азот атоми тутган (IX) амидлари кучсиз заҳарлилик намоён этди (V синф). 3-О-АГЛК 10 мг/кг дозада антиэкссудатив фаоллиги $62.4 \pm 5.3\%$ ни ташкил этди. 3-О-АГЛК айрим амидлари (I, III, VI, X, XII, XIX) антиэкссудатив фаоллиги 3-О-АГЛК дан юқори бўлиб, I ва III нинг фаоллиги 85-87% ташкил этди.

3-О-АГЛК амидларининг иммуотроп фаоллигини ўрганиш препаратларнинг носпецифик иммунитетга (макрофаглар сони) дозага боғлиқ равишда, гуморал иммунитетга (талоқ ва лимфотугунларнинг ядросакловчи ҳужайралари сони ва вазни) эса яққол таъсир этишини кўрсатди. II, III, VIII препаратлар энг фаол бўлиб, 0.5 ва 5.0 мг/кг дозаларда бир маротаба юборилганда, 48 соатдан кейин стимуляция индекси 2 билан 10.9 ораликда бўлди. Бу бирикмаларнинг стимуляция индекси бўйича иммуотроп самарадорлиги 3-О-АГЛК таъсирига тенг ёки юқори бўлди, бу бирикмаларниг заҳарлилиги 3-О-АГЛК нинг заҳарлилигидан 3 маротаба кам эканлигини таъкидлаш лозим.

ГлКнинг айрим алкалоид ва гетероҳалқали аминлар билан тузларининг гипоосмотик стресс шароитида каламуш тимоцитлари ҳажм бошқарилиш тизимига таъсири Биофизика ва биокимё институти ходимлари академик Р.З.Собиров ва б.ф.д. Р.Ш.Қурбонназарова билан ҳамкорликда бажарилди. Гипоосмотик стресс шароитида ГлК тузларининг тимоцит хужайралари ҳажм бошқарилишига таъсири 30 мкМ концентрацияда хужайралар ҳажм бошқарилиш тизимини кучли ингибирлаши аниқланди. ГлКнинг 2-аминобензотиазол, лупинин ва 8-оксихинолин билан тузлари ҳажм бошқарилишини кучли ингибирлаши аниқланиб, улар тимоцитлар ҳажм бошқарилишида иштирок этувчи Ca^{2+} , K^{+} ва Cl^{-} каналларига самарали таъсир этиши мумкинлигини кўрсатади.

ГК ва ГКМАТ комплексларининг буғдой дони бўртиши ва унувчанлигига таъсири ГулДУ профессори, б.ф.д. Ҳ.Ҳ.Қўшиев билан ҳамкорликда ўрганилди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, комплекс бирикмалар эритмалари таъсирида дон бўртиши жараёнида сарфланган сув миқдори (0.87-0.89 г) назоратдагидан (1.2 г) кам бўлди. ГК (10^{-4} М; 76.66%), ГКМАТ:2-аминотиазол (10^{-4} М; 75.83%, 10^{-5} М; 69.16%, 10^{-6} М; 70.83%), ГКМАТ:3-амино-1,2,4-триазол (10^{-7} М; 70.83%) эритмалари таъсирида доннинг унувчанлиги назоратга нисбатан (65%) юқори бўлиб, бўртиш жараёнида назоратга нисбатан кам сув қабул қилинсада, дон унувчанлиги бир хил бўлиши мумкинлиги аниқланди.

ГКМАТ билан 5-ФУ супрамолекуляр комплексларининг (2:1 ва 4:1) Саркома 45 шишига қарши фаоллиги ЎЗР ССВ ОваР ИМ лаборатория мудири, б.ф.д., профессор З.М.Еникеева томонидан бажарилди. Препаратларнинг шишга қарши фаоллиги каламушларга кўчириб ўтказилган Саркома 45 шишига таъсирини биологик усул билан 5-ФУга қиёсан аниқланди. Препаратлар қорин бўшлиғига 10 маротабадан 2 хил дозада: ГКМАТ:5-ФУ (2:1) 20 ва 40 мг/кг, М ГКМАТ:5-ФУ (4:1) - 170 ва 85 мг/кг, 5-ФУ эса 15 мг/кг дозада юборилди. ГКМАТ:5-ФУ (2:1) ҳар икки дозада шишга қарши жуда юқори фаоллик намоён этди. Аммо 40 мг/кг дозада ҳайвонлар нобуд бўлиши кузатилди, 20 мг/кг дозада эса шишнинг 80% регрессида 98-99% фаоллик кўрсатди. ГКМАТ:5-ФУ 4:1 препарати ҳам икки хил дозада юқори фаолликка эга бўлди. Ҳар икки препарат ҳайвонлар вазнини сезиларсиз камайишига ва талоқнинг жуда катталашишига, айниқса ГКМАТ:5-ФУ (4:1) (170мг/кг) таъсирида 160% га катталашишига олиб келди.

Диссертациянинг «**Тажриба қисми**» деб номланган тўртинчи бобида олиб борилган тадқиқот объектлари, фойдаланилган асбоб ускуналар, техник ГКдан ГК, ГКМАТ ажратиб олиш ва тозалаш усуллари, ГлК, 3-О-АГлК ва унинг амидлари синтези, ГК ва ГКМАТ комплекслари, ГК ва ГлК тузларини олиш усуллари келтирилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор 3-О-АГлК нинг қатор гетероҳалқали аминлар билан 14 та янги амидлари синтез қилинди, уларнинг тузилиши УБ-, ИҚ-, 1H , ^{13}C ЯМР-спектроскопия ва масс-спектрометрия усуллари ёрдамида тасдиқланди.

Тритерпен кислоталари амидлари синтезида, хлорагидрид усули билан бир қаторда, ПФКдан конденсирловчи агент сифатида қўлланиш мумкинлиги кўрсатилиб, реакциянинг тахминий механизми таклиф қилинди.

2. ГК ва ГКМАТнинг айрим ароматик ва гетероҳалқали аминлар, ДК ва ФК билан 38 та супрамолекуляр комплекслари олиниб, улар эритмалари қовушқоқлигини турли агентлар: мочевина, ксилоза ва КСІ ҳамда эритманинг рН муҳитига боғлиқ ҳолда ўрганиш орқали комплекс «меҳмон» ва «мезбон» моддалар орасидаги водород боғлар, гидрофоб, ион-диполь ($-\text{NH}_3^+\cdots\text{O}-\text{H}$, $\text{N}^+\cdots\text{OH}$) ҳамда электростатик ($-\text{COO}^-\cdots^+\text{NH}_3-$) таъсирлашувлар натижасида ҳосил бўлиши кўрсатилиб, оптик спектроскопия (УБ-, ИҚ-) усуллари ёрдамида исботланганлиги билан изоҳланади.

3. Олинган комплексларнинг барқарорлик константалари ва Гиббс эркин энергия қийматлари турли буфер муҳитларида (фосфатли, PBS-, PBS+) аниқланди. Бунда ГКМАТ:R комплексларда R = аминопенициллин, 6-амино-3-пиколин, ДК бўлганда оддий фосфатли буфер муҳитидаги барқарорлик константаси PBS- ва PBS+ буферлардагидан 2 ҳамда 3 даража паст бўлди. Бироқ ГКМАТ:R комплексларда R = 2-АБТ, 2-аминотиазол, 5-амино-2-метилфенол, 2-аминопиримидин, 4-амино-2-хлор-6,7-диметоксихинозалин, 5-ФУ, ФК бўлганда уч хил буфер муҳитларида ҳам комплексларнинг барқарорлиги деярли бир хиллиги кузатилди. Фақат ГКМАТ:3-амино-1,2,4-триазол комплексининг фосфатли буфердаги барқарорлиги PBS-, PBS+ буферлар муҳитидагига нисбатан бир даража юқорилиги эканлиги аксарият комплекслар физиологик муҳитга яқин шароитда ҳам барқарор бўлиши юзага келади.

4. ГК, ГлКнинг айрим ароматик ва гетероҳалқали аминлар, алкалоидлар билан 20 та тузлари олиниб, физик-кимёвий катталиклари аниқланди. Уларнинг кимёвий тузилиши ИҚ-спектроскопия ва масс-спектрометрия усуллари ёрдамида исботланди. Бунда электростатик ($-\text{COO}^-\cdots^+\text{NH}_3-$) таъсирлашувлар натижасида ион боғли бирикмалар ҳосил бўлганлиги ИҚ-спектр асосида тасдиқланди.

5. ГлКнинг 2-АБТ, лупинин, 8-оксихинолин билан олинган тузлари гипоосмотик стресс шароитида хужайра ҳажм бошқарилишини кучли ингибирлаб (2-4%), уларнинг тимоцитлар ҳажм бошқарилишида иштирок этувчи Ca^{2+} , K^+ ва Cl^- каналларига самарали таъсир этиши мумкинлиги кўрсатилди; 3-О-АГлКнинг 2-амино-5-(алкил)-1,3,4-тиадиазол, 3-амино-1,2,4-триазол билан олинган амидлари носпецифик иммунитетга дозага боғлиқ равишда, гуморал иммунитетга яққол таъсир этиши исботланди. ГКМАТнинг 5-ФУ билан олинган комплекслари Саркома 45 шишига қарши юқори фаоллик намоеън этиб, уларнинг шишга қарши самарадорлиги 98-99% (назоратда 76%), шиш регресси 40 дан 80%гача бўлиши исботланди ва уни келажакда шишга қарши восита сифатида тавсия қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12. 2019.К/В.37.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ЭСАНОВ РАХМАТ СУЛТОН УГЛИ

**СИНТЕЗ И БИОЛОГИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ НОВЫХ
ПРОИЗВОДНЫХ ТРИТЕРПЕНОВЫХ (ГЛИЦИРРИЗИНОВАЯ,
ГЛИЦИРРЕТОВАЯ) КИСЛОТ**

02.00.10 - Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.3. PhD/К213

Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.biochem.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Гафуров Махмуджон Бакиевич
доктор химических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: Абдулладжанова Нодира Гуломжоновна
доктор химических наук, профессор
Халиков Турсунали Суюнович
доктор химических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «16» 12 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.К/В.37/01 при Институте биоорганической химии (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (зарегистрировано под № 238). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha2@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «__» _____ 2020 г.
(реестр протокола рассылки № «__» от _____ 2020 г).



Ш.И.Салихов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

Ш.А.Шомуротов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.х.н.

М.Б.Гафуров

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире одной из важнейших задач является синтез биологически активных веществ, использование их в медицине для лечения и профилактики вирусных заболеваний, создание новых лекарственных средств для различных видов иммунодефицитов, защита сельскохозяйственных культур и создание новых эффективных биостимуляторов. В настоящее время основу большинства средств, применяемых в медицинской практике и в сельскохозяйственных целях, составляют химически модифицированные производные биологически активных веществ. Развитие современных отраслей органической, биоорганической, медицинской химии и фармакологии позволяют создавать менее вредные для генофонда живого организма препараты, применяемые против различных заболеваний. Сегодня особое внимание уделяется поиску растительных источников, богатых биологически активными соединениями, а также определению их химического состава, выделению содержащихся в них основных биологически активных веществ и их модификации.

Особое значение имеет то, что производные, полученные путем модификации природных биологически активных тритерпеновых кислот, содержащихся в растениях, имеют меньше побочных эффектов на организм по сравнению с синтетическими веществами. Поэтому при создании препаратов на основе подобных биологически активных соединений проводятся исследования в таких направлениях, как поиск природных ресурсов богатых биологически активными веществами, выделение из них биологически активных соединений, их модификация, определение современных методов исследования структуры и биологической активности, создание на их основе новых эффективных лекарственных средств.

В нашей стране уделяется особое внимание разработке новых, эффективных, импортозамещающих лекарственных препаратов на основе местного сырья и обеспечению населения качественными лекарствами. В 4-направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи по «дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений доступными, качественными лекарственными средствами»¹. В этом направлении важное значение имеет изучение биологически активных веществ из местного растительного и животного сырья, изучение их структуры и активности, а также создание на их основе новых, эффективных лекарственных средств.

Диссертационное исследование служит для выполнения задач, указанных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики

